

Март ойининг мавзуси: “Гўзал баҳор”

Гуруҳ		Кичик гуруҳ					
Ҳафта мавзу		Наврӯз байрами					
Муддати		Март ойининг 3-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлар		Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши		Хавфли предметларни фарқиға бориш, ўйинчоқларни йиғиштириш, қутига жойлаштириш			
		Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш		Миллий байрамлар ва урф-одатларга меҳр-муҳаббат уйғотишда давом этиш, жамоавий ўйин фаолиятида қатнашиш			
		Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари		Расмда кўрган нарса ҳақида сўзлаш, кичик шеърни ёддан айтиш			
		Билиш жараёнининг ривожланиши		Таниш байрамлар ҳақидаги билимларни ва Наврӯз байрами ҳақидаги тасаввурларни жамлаш			
		Ижодий ривожланиш		Эстетик дид ва ижодий тасаввурга бўлган қизиқишларни ривожлантириш			
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар, иловалар
Эркин фаолият	Қуриш–ясаш ва математика	Ферма ясаш					Қурилиш материаллари, лево, конструктор
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш				Бизнинг гуруҳда сумалак		Кичик қозон , мавзуга мос жиҳозлар
	Тил ва нутқ			Юртимда Наврӯз байрами			Байрам расмлари
	Фан ва табиат	Бугдой ундириш					Яшикча, доқа, бугдой, сув, лейка
	Санъат		Расм: Осмондаги варраклар	Аппликация Варрак	Расм: Майсалар чиқарар қулоқ	Пластин: Байрам дастурхонимизга марҳамат. Жамоа иши	Рангли қалам, буёқ, пластин, рангли қоғоз
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

Март ойининг 3 ҳафтаси

Ҳафта мавзуси: “Наврӯз байрами”

Қуриш- ясаш ва математика маркази:

Ферма

Мақсад: тарбияланувчилар шакллар, қисмларни тўғри танлаган ҳолда, катта кичиклигига қараб ясашга ўрганадилар.

Керакли жихоз ва материаллар: қурилиш материаллари, леґо, конструкторлар, ферма расми, АКТ

Фаолиятнинг бориши:

1. Ферма расмини кузатиш.
2. Намуна билан танишиш.
3. Ферма ясаш.
4. Болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: ўйинчоқ уй ҳайвонларини бериб, (эчки, сигир, от) ферма ташкил қилишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: уй ҳайвонларини парваришлаш ҳақида тушунча бериш.

Фан ва табиат:

Буғдой ундириш

Мақсад: тарбияланувчилар амалий тажрибада қатнашадилар, табиатдаги айрим ўзгаришларни фарқлайдилар, ўсимликлар дунёси билан танишадилар, ўсимликларни парваришлашни ўрганадилар.

Керакли жихоз ва материаллар: экиш учун яшикча, дока, ивитилган буғдой, тайёр унган буғдой, сув, лейка, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Униб ўсган буғдойни кузатиш.
2. Ивитилган буғдойни кузатиш.
3. Буғдой ундириш учун яшикчалар тайёрлаш (*яшикларни тозалаш, намлаш*)

4. Тайёр яшикчаларга буғдойни экиш.

5. Болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: экилган буғдойни парваришлаш, ҳар куни сув қуйишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: ундирилган буғдойдан сумалак тайёрланиши, Наврӯз байрамида албатта сумалак тайёрланиши ҳақида маълумот бериш.

Санъат маркази:

Осмондаги варраклар

Мақсад: тарбияланувчилар тўғри чизиқлар чизишни ўрганадилар, олтита рангни бир-биридан фарқлашни ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: варрак намунаси, рангли қаламлар, оқ қоғоз.

Фаолиятнинг бориши:

1. Варрак расмини томоша қилиш.
2. Варрак учун керакли рангни танлаш.
3. Иш жараёни.
4. Рағбатлантириш .

Қўшимча қисм: варракни безатиш (*гуллар, шакллар, бурун, оғиз, кўз*)

Эътиборга молик жиҳати: баҳор фасли келиши билан варраклар учурилиши, миллий анъаналар ҳақида тушунча бериш.

Тил ва нутқ маркази:

Юртимда Навруз байрами

Мақсад: тарбияланувчилар тўғри нутқни ривожлантирадилар, Наврўз байрами ҳақидаги тасаввурларини шакллантирадилар, миллий байрамлар ва урф-одатларга меҳр-муҳаббат уйғотадилар, расмда кўрган нарсаси ҳақида сўзлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: Наврўз байрами акс этирилган расмлар, АКТ, карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни кўриб чиқиш ва байрамга мосини саралаш.
2. Расмга қараб ҳикоя тузиш.
3. Мустақил фикр билдириш.
4. Болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: наврўз ҳақида мусиқали видеолавҳа кўриш, биргаликда куйлаш (АКТ).

Эътиборга молик жиҳати: Наврўз байрами умумхалқ байрами эканлиги, миллий анъаналаримиз ҳақида билим бериш.

Санъат маркази:

Аппликация: Варрак

Мақсад: тарбияланувчилар фазода тўғри мўлжал олиб елимлайдилар, бирга жамоада ишлайдилар, зарурат туғиганда дўстларига ёрдам берадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: варрак намунаси, елим, оқ қоғоз, тайёрлаб кесилган варрак бўлаклари, ип.

Фаолиятнинг бориши:

1. Варрак намунасини ва елимшлаш усуллари кўриш.
2. Керакли жиҳозларни танлаш.
3. Тайёр кесилган варрак бўлақларини елимлаш
4. Болалар ишни бажарадилар.
5. Болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: тайёр варракларга ип ўрнатиш, уйга бориб учуриб кўришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: бажарган ишидан завқланишга одатлантириш.

Сюжетли –ролли ўйин ва сахналаштириш маркази:

Бизнинг гуруҳда Сумалак

Мақсад: тарбияланувчилар ўзбек халқининг урф-одат ва байрамларини ўрганадилар, сумалак тайёрлаш ҳақида тушунчага эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сумалак тайёрлаш учун жиҳозлар ва кийимлар (кичик қозон ва капгир, миллий кийимлар, фартук, рўмол), АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сумалак тайёрланиши ҳақида видеолавҳа томоша қилиш.
2. Ролларни тақсимлаш.
3. Керакли буюмларни танлаш.
4. Ўйин жараёни.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: баҳор ҳақида шеър ўқиб беришни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: сумалак миллий таомлиги, витаминларга бойлиги, у Наврўз байрами муносабати билан тайёрланиши ҳақида тушунча бериш.

Санъат маркази

Расм: Майсалар чиқарар қулок

Мақсад: тарбияланувчилар мўйқаламни эркин ҳаракатлантириб тўғри чизиқлар чизишни ўрганадилар, рангларни бир-биридан фарқлайдилар, атроф-муҳитга қизиқиш билдирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: рангли бўёқ, мўйқалам, оқ қоғоз, майсалар сурати.

Фаолиятнинг бориши:

1. Майсалар расмини кўриш.
2. Намуна билан танишиш.
3. Болалар иш фаолияти
4. Рағбатлантириш

Қўшимча қисм: гуллар наклейкаларини бериб, гулзор ташкил қилишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: баҳор фаслида табиатда рўй берадиган ўзгаришлар (майсалар, барглар чиқиши, гуллар очилиши) ҳақида тушунча бериш.

Санъат маркази:

Лой: Байрам дастурхонимизга марҳамат. Жамоа иши.

Мақсад: тарбияланувчилар бир бўлак лойдан ўрганган усуллари орқали ихтиёрий нарсалар яшашга ўрганадилар, қўл моторикасини ривожлантирадилар, тасаввурларини кенгайтирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: лой ёки пластилин, тахтача, салфетка, “Наврўз” байрами ва байрам дастурхони сурати (кўк сомса, кулча, кўк чучвара, сумалак) АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Наврўз байрами ва байрам дастурхони суратларини кузатиш.
2. Намуналар билан танишиш.
3. Иш жараёни
4. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: ясаган нарсаларидан ўйинчоқлар учун “Наврўз байрами дастурхони”ни ташкил қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: Наврўз байрами халқаро, умуминсоний, эзгулик, меҳр-мурувват байрами эканлиги ҳақида тушунча бериш.